*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри**

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 97 (20. 964) 1991 йил 23 май, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

# ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

## *Ўзбекистон ССР Президентининг матбуот конференцияси*

**Ўзбекистонда қайта қуриш шабадаси эсиб турибди. Қайта қуриш омиллари — демократия ва ошкоралик принциплари кун сайин қарор топмоқда. Республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бераяпти. Ўзбекистоннинг Мустақиллиги тўғрисидаги декларация республиканинг бутун мамлакатдаги, шунингдек халқаро майдондаги обрўйини оширмоқда. Совет халқининг ҳамда ҳорижий мамлакатлардаги кўплаб кишиларнинг, айниқса журналистларнинг ўлкамизга, ундаги катта ўзгаришларга қизиқиши тобора ортиб бораяпти. Кейинги вақтларда жумҳуриятимизга кўпгина ҳорижий мамлакатлар мухбирлари ташриф буюриб, унинг ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар.**

**Хабар берилдики, 21 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов Совет Иттифоқига вакил қилиб юборилган ҳорижий журналистлар билан учрашди.**

**Матбуот конференциясида Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Канада, Швейцария, Фаластин, Бирлашган Араб амирликлари мамлакатлари рўзнома ва ойномалари, бир қанча агентликлар, телекомпаниялар ва радиоэшиттиришларнинг вакиллари, шунингдек республикамиз оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.**

И. А. Каримов журналистлар билан учрашув бошланишида, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистонга меҳмон келса, биз жуда хурсанд бўламиз, бошимиз осмонга етади. Биз айниқса бегараз меҳмонларимиздан, турмушимиз, кишиларимиз тақдирига бефарқ қарамаётган, республиканинг ҳаёт тарзини, унинг бугуни, эртаси ва келажагини ҳаққоний ёритаётган журналистлардан ниҳоятда хурсандмиз.

И. А. Каримов берилган саволларга жавоб қайтарар экан, бўлғуси Иттифоқ шартномасига батафсил тўхталди. Иттифоқ шартномаси, деди у, асосий масала бўлиб қолмоқда. Иттифоқнинг бўлиши ёки бўлмаслиги худди ана шу муҳим ҳаётий масаланинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Жумҳуриятларда халқнинг сиёсий ва миллий онги тез ўсиб бораяпти. Ҳа, шундай. Биз тўла мустақиллик, тўла давлат суверенитети тарафдоримиз. Биз ўзимизга тааллуқли бўлган масалаларни ўзимиз ҳал қилмоғимиз даркор. Табиийки, биз шундай йўлдан борамиз, яъни ўз масалаларимизни ўзимиз ҳал қиламиз.

Бўлғуси Иттифоқ шартномаси ҳақида гапирганда яна шу нарсани алоҳида айтиб ўтишни истардимки, биз — Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари яқинда Киевда учрашдик. Ана шу бешта республика ташаббус кўрсатиб, шартноманинг лойиҳаси устида иш олиб борди. Бу ишга Ўрта Осиёдаги яна учта республика вакиллари ҳам қўшилишди. Ана шу йиғилишда шартнома лойиҳасининг ҳамма нусхалари муҳокама қилинди.

Биз Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларига бир хилда ёндашаётирмиз. Биз шуни тушуниб турибмизки, республикаларнинг бирлашувидан фақат манфаат кўрилади. Бу манфаатни ҳар биримиз чуқур ҳис қилишимиз керак. Ўзаро муносабатлар шароитида ҳар бир алоҳида жумҳуриятнинг манфаати умуминттифоқнинг манфаатига айланади.

Иттифоқ шартномасида, — деб таъкидлади И. А. Каримов, — Иттифоқ қарамоғида бўладиган соҳалар: республикалар ўртасидаги ўзаро муносабат, жумладан, мудофаа корхоналари масалалари каби масалалар аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Бу масалаларнинг ижобий ҳал қилинишидан аввало бизнинг ўзимиз наф кўрамиз.

Ҳозирги кунда олдиндан бир нима дейиш қийин. Лекин ишончим комилки, биз қабул қилган қўшма баёнотни ҳамма томонларнинг манфаатини кўзловчи янада аниқ мазмун билан тўлдиришга муваффақ бўлинса, Иттифоқ яшайверади. Шундай қилиш бизларнинг ҳар қайсимизга, аввало, СССР Президентига боғлиқ эканлигини айтиш лозим. Бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарларининг ҳам фикри ана шундай.

Агар икки раҳбар — М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельцин бизлар билан бирга ўзлари имзолаган ҳужжат мавқеида қатъий турсалар, Иттифоқ шартномасининг тез вақт ичида тузилишига ишонаман.

Матбуот конференциясида ташқи иқтисодий алоқалар, марказ томонидан бўлаётган консерватизм кўринишлари ҳақида, интеграция, мустақилликдан барча республикалар манфаат кўриши тўғрисида, марказий идоралар жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда режалар тузишга уринаётганлиги ҳақида гапирилди, инқирозга қарши дастур Иттифоқ шартномаси имзолангандан кейингина тузилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Экология муаммолари йил сайин кескинлашиб бораётганлиги барча совет халқи қатори бутун дунё кишиларини ҳам ташвишлантиряпти. Бу ҳақда жуда кўп саволлар берилди. Бу муаммоларни барча халқларнинг куч-ғайратларини ягона мақсад сари бирлаштирмай туриб, ҳал этиб бўлмайди. Бугунги кунда Чернобиль, Орол — бу фақат бизнинг ташвишимиз ва дардимиз бўлиб қолмасдан, балки бутун Ер юзидаги одамларнинг ташвиши ва дарди ҳам бўлиб қолди.

Орол муаммоси — пахта муаммоси сингари жуда катта иш олиб боришни талаб қилади. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда пахта экиладиган майдонлар қарийб ярим миллион гектар қисқартирилди. Давлатга пахта топшириш тахминан 1 миллион 400 минг тонна камайди. Бу ишлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида амалга оширилди.

Президент Ўзбекистонда сувдан унумли фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталди. Чунки об-ҳаёт муаммоси журналистларни айниқса қизиқтирди. Ў Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга, шу жумладан, Орол денгизига ташлаб бериш ишларининг тўхтатиб қўйилганлиги катта хато бўлганлигини айтди, бу ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги ўз фикрини билдирди. Суғни тежаш Сибирь дарёлари об-ҳаётини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга бериб юборишга нисбатан анча қимматга тушиши мумкин. Ҳатто бу лойиҳа билан шуғулланиш ишлари бошлаб юборилган тақдирда ҳам Сибирь дарёлари суви бизга тахминан 2007 йилда етиб келади.

И. А. Каримов иқтисодий ва сиёсий структура ҳақида берилган саволга жавоб қайтариб, иқтисодий структурани сиёсий структурадан сира ажратиб бўлмаслигини, уларнинг ҳар иккаласи диалектик равишда ўзаро боғланган бўлиб, ҳамиша бир-бирини тўлдириб бойитиб боришини таъкидлади.

Матбуот конференциясида бозор муносабатлари ҳақида, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига республика халқи турмуш шароитларини назарда тутган ҳолда босқичма-босқич ўтказилаётганлиги тўғрисида, бу йўлдаги кўпгина муаммолар, шунингдек республика бюджети ҳақида гапириб берилди.

Биз янгиланган Иттифоқ, янги Федерация тарафдоримиз, деди Президент. Ўзбекистон 1985 йилга қайтмайди. Халқимизнинг сиёсий ва миллий онги беқиёс даражада ўсди. Хуллас, орқага қайтиш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Республика Президенти-га Фарғона ва Ўшда юз берган мудҳиш воқеалар тўғрисида кўпдан-кўп саволлар берилди. Халқнинг ночор аҳволи Фарғона воқеаларининг асосий сабаби бўлганлиги айтилди. Фарғона, Ўш ва бошқа минтақаларда бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатдики, халққа қарши қурол ишлатиш билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбек халқининг миллий анъаналари ва урф-одатлари, ёшлар ва уларнинг тарбияси, диннинг ўрни, кўп партиялилик сингари талайгина саволларга жавоб қайтарилди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, республика ташқи ишлар вазири С. О. Азимов иштирок этди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

# ҲОЗИРЖАВОБЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ЕНГАДИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИГА ХОС БЎЛГАН ЮКСАК ИНТИЗОМНИ, ОДАМЛАР ЖИПСЛИГИ ВА ЎЗАРО ЁРДАМНИ, ҲАР БИР КИШИГА РАҲМ-ШАФҚАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТНИ КУЧАЙТИРИШ БУГУНГИ КУНДА ҲАР ҚАЧОНГИДАН КЎРА КЎПРОҚ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

(Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримов нинг «Аҳолига ёрдам кўрсатиш ва табиий офат оқибатларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан).

## • САМАРҚАНД

22 май куни Самарқанд вилоят партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Табиий офат оқибатларини тугатишга доир тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди.

Самарқандга келган жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги комиссия аъзолари энг кўп жабрланган районларда бўлдилар, жала ва дўл оқибатлари билан батафсил танишдилар.

Аниқланган маълумотларга кўра, 95,6 минг гектар пахта майдонларига, 21 минг гектар ғаллазорга, 48,2 минг гектар бедапояга жиддий шикаст етган. Катта майдонлардаги полиз ва сабзавот экинларига, картошкага ҳам зарар етган. 24 минг гектар боғ ва узумзорларни дўл уриб кетди. Етказилган зарар неча ўнлаб миллион сўм миқдорида ҳисобланмоқда.

Йиғилишда ишдан чиққан ерни ва шикастланган экин майдонларини тезроқ тиклаш юзасидан аниқравшан тадбирлар режалаштирилди. Бунинг учун зарур ресурслар, материаллар, техника ажратилмоқда. Деҳқонларга пахта ва бошқа экинларнинг эртапишар навлари уруғлиги, ўғитлар берилади.

Табиий офат зарбасига учраган аҳоли пунктларида яшовчиларга пул ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатилмоқда, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилмоқда.

**(ЎзТАГ).**

## • ТОШКЕНТ

Ўтган куни пешиндан кейин Тошкент вилоятининг тоғлиқ районларида кўчма қора булутлар пайдо бўлди. Кечга яқин улар кучли жалага айланди. Ҳавонинг беқарорлиги айниқса Чимён тоғ ёнбағирларида кўпроқ сезилди. Бу ерда қисқа вақт ичида ёққан жала 23 миллиметрни ташкил этди.

Гидрометеорология хизмати мутахассисларини Бекобод зонаси кўпроқ ташвишлантиргани бежиз эмасди. Чунки, ер юзасига яқинроқ бўлган ариқ ва сувлари тошиб, қишлоқ хўжалик экинларини босиб кетиши эҳтимоли бор эди. Лекин ҳайриятки, ҳозирча бундай тахминнинг акси рўй берди. Вилоятнинг бошқа районларида ҳам ёққан дўл ва жала оқибатларидан зарар кўрилгани ҳақида маълумот келганича йўқ.

Ангрен шаҳрида бошланган кучли ёмғир кечга яқин пойтахтга етиб келди. Шамол таъсирида кўчиб юрган булутлар шаҳарнинг ҳамма районларини ҳам қамраб ололмади. Бир жойда дўл ёғиши кузатилган бўлса, бошқа жойда жала қуйди. Жумладан, шаҳар марказидаги районларда ёққан ёмғир 18 миллиметрни ташкил қилган бўлса, Юнусобод мавзеси атрофида бу кўрсаткич энг кўп — 34 миллиметрга етди. Одамлар ўз уйлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жалага қарши челак, бел ва кетмонларни ишга солишди. Қисқа муддатли ёғингарчиликдан хонадонлар зарар кўргани тўғрисида ҳозирча маълумотлар йўқ.

**А. МАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**Синоптикларнинг хабарларига кўра республикамизда ҳаво беқарорлиги сақланиб туради. Фақат икки кун ҳаво очиқ келиши, айрим жойларда эса кучсиз ёмғир ёғиши, ҳафта охирига бориб ёғингарчиликлар яна бошланиши мумкин.**

Жиззах вилоятидаги салкам 17 минг гектар ердаги ғўза, 1,5 минг гектардаги маккажўхори, 6235 гектар ғалла, 1600 гектар майдондаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари, минг гектар токзор, 674 гектар боғ дўл ва сел остида қолди. Табиий офат пайтида 133 бош қорамол, 518 бош майда мол, 6 та от нобуд бўлди. Зомин районининг Аччи, Мўғол, Жарқишлоқ, Большевик қишлоқларида 170 хонадон селдан жиддий зарар кўрди.

Вилоятда тузилган фавқулодда комиссия ишчи гуруҳи табиий офат кўламини аниқлаш билангина чекланмай, жабрланганларга зудлик билан ёрдам уюштириб, ҳозиржавоблик ва тадбиркорлик кўрсатмоқда. Асосий эътибор оилаларни бошпана билан таъминлашга, бузилган уй-жойлар, магазин, маданият муассасалари, кўприк ва йўлларни, алоқа тармоқларини тиклашга қаратиляпти. Мутахассисларнинг фикрича, вилоят бўйича жами 12580 гектар майдонга чигит қайта экилиши лозим. Бунинг 9800 гектари табиий офатдан энг кўп зарар кўрган Зарбдор райони деҳқонлари зиммасига тушяпти.

И. Қурбонов номли давлат хўжалиги пахтакорлари 3,5 минг гектар ердаги ғўзани бир текис ундириб олишга эришгандилар. Айрим ижарачилар қатто ғўзаларга иккинчи ишлов беришни бошлаб юборишган эди. Хўжалик боғидаги гилосларнинг дастлабки ҳосили йиғиштириб олиниб, болалар боғчаси тарбияланувчиларига юборилганига эндигина икки кун бўланди. 18 май куни роппа-роса 40 минут ёққан дўлнинг ҳар бири анжир-шафтолига тенг келарди. Қарияларнинг айтишига кўра, ярим асрдан буён бундай дўлни ҳеч ким кўрмаган. Бир соатдан кейин хўжаликнинг марказий посёлкаси худди оролда қад кўтарган шаҳарчани эслатарди. Дўл ғўзани ҳам, маккани ҳам, сабзавоту полиз маҳсулотларини ҳам омон қўймади. Боғдаги олмаю ўриклар ер билан яксон бўлди... Дарҳол райондан етиб келган мутахассис ва раҳбарлар иштирокида келгуси ишлар режалаштирилиб олинди.

— Эртаси куниёқ А. Икромов номли пахта заводидан етмиш тонна уруғлик чигит олиб келдик. — дейди хўжаликнинг бош ҳосилоти Эрмамат Элмуродов.— Айни ўз еримизга мос «АН—Боёвут—2» навини олдик. Зарбдор донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонасидан саккиз тонна уруғлик

## • ЖИЗЗАХ

макка берадиган бўлишди. Биз ҳам ўз навбатида шахсий томорқаси вайрон бўлган аҳолини турли хил уруғликлар билан таъминлаш муаммосини ҳал қиляпмиз. Ахир, хўжалигимиз бўйича 150 гектар ердаги томорқада экинлар қайта экилиши керак.

Район бўйича бу рақам 1145 гектарни ташкил этади. Тасаввур қилинг, аҳолининг ўз ёрдамчи хўжалигида олди гуллай бошлаган қовун-тарвуз палаги, помидору бодринглар энди йўқ. Ҳаммасини қайта экиш лозим. Бу ёқда ижарага олинган пахтазору макка майдонлари, вақт эса кутиб турмайди...

Зарбдор районининг «Ленин йўли» ва И. Қурбонов номли хўжаликларида бўлганимизда деҳқонларнинг бардамлиги, кўтаринки кайфиятини, муҳими, тадбиркорлик ва уюшқоқлигини кўриб қувондик.

Ҳар иккала хўжаликда барча экиш техникалари жиҳозланиб, шайлаб қўйилган. «Ленин йўли» хўжалигининг бош ҳосилоти Қ. Дониёровни механизаторлар ҳамкорлигида 30-та экиш агрегатини ҳамда 25 та ҳайдов тракторини сўнгги бор синовдан ўтказилаётган пайтда учратдик. Йўлдош Қурбонов номли давлат хўжалиги механизатори Қодир Исмоилов эса қўпчиликка маъқул фикрни ўртага ташлади: чигитни ҳозиргача ишлов берилган эгатлар ичига экиш керак! Ана шунда экин майдонини ҳатто бороналашга ҳам ҳожат қолмайди. Трактор ғилдираклари эса дўл ўрган ғўзалар устидан юради. Бу ҳол механизатор учун ҳам қулайлик туғдиради. Маълум бўлишича, бу усул бир пайтлар қўлланилган ва яхши самара берган экан.

Хуллас, хўжаликларда қайта экиш ишларини узоғи билан икки-уч кунда батамом тугаллаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунга эришилса ҳамда парваришга алоҳида эътибор берилса (жамғарилган маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланилса) ғўзалар ривожини ўтган йилги даражага ва муддатга етказиб олиш мумкин. Деҳқонларнинг, ижарачи пахтакорларнинг фикрлари ана шундай. Аммо шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, вилоят деҳқонлари бошига тушган талафот миқёси анча катта. Шу боисдан уларни ёлғиз қолдирмаслик, тегишли амалий ёрдам кўрсатиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР ИТТИФОҚИ УЧУН

22 май куни Тошкентда Иттифоқ шартномаси лойиҳаси хусусидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни кўриб чиқиш ва умумлаштириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Иқтисод комитети раисининг ўринбосари П. Ҳ. Носиров ахборот берди. Иттифоқ шартномаси лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида жойлардан кўпгина таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тушганлиги таъкидланди. Уларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, муҳокама қилинаётган ҳужжатга киритилди. Комиссия таклиф этган тузатишлар ва матндаги ўзгаришлар жумҳуриятларнинг янгиланган Иттифоқ таркибидаги мустақиллигини оширишга қаратилган.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

**(ЎзТАГ).**

# ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти партия, совет ва хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Партия ва совет идораларининг ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ҳамда уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат қоидаларига амал қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги вазифалари ҳақида вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Т. П. Хидиров маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари вилоятнинг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов нутқ сўзлади.

**(ЎзТАГ).**

# ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

21 май куни Иттифоқ парламентининг депутатлари янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов палаталарнинг қўшма мажлисини очар экан, энг аввало тўпланганлар номидан Россия Федерацияси халқ депутатлари съездига мамлакатимиз халқлари дўстлиги манфаатлари йўлида муваффақият ва барака тилади.

Шундан сўнг раислик қилувчи бугун А. Д. Сахаров туғилган кунга 70 йил тўлганини эслатди. А. И. Лукьянов инсон, олим, фуқаро сифатида унга муносиб баҳо берди, бу санани бутун мамлакат нишонлашини айтди.

Бевосита кун тартибига келганда, Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси комитетларда ва комиссияларда ишлаб чиқилгани, унда парламентдаги барча фракциялар қатнашгани таъкидланди. Лойиҳа жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларида муҳокама қилинди, улардан ҳозирнинг ўзидаёқ хулосалар, мулоҳазалар, таклифлар келди.

СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси раиси Г. С. Таразевич қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида сўзга чиқиб, бу натижаларни умумлаштирди. Иттифоқ парламенти сессиясида шартнома лойиҳасининг муҳокамаси қандайдир фавқулодда ҳолат, жараёнга аралашиш эмас, деб таъкидлади у. Бу СССР Олий Кенгашининг бутун мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган ҳар қандай масалани муҳокама қилиш борасидаги даҳлсиз ҳуқуқидир.

Г. С. Таразевич ахборотидан сўнг муҳокама бошланди. У ёпиқ мажлисда олиб борилди.

**(ТАСС).**

# Ҳиндистон Республикасининг Президенти Рамасвами Венкатараман жаноб олийларига

Даҳшатли жиноят содир бўлгани ҳақидаги хабарни эшитиб ларзага тушдик. Совет халқи яхши биладиган, Жавоҳарлал Неру ва Индира Ганди буюк миллий ишини давом эттирувчи ҳозирги замоннинг йирик давлат ва сиёсат арбоби сифатида юксак қадрлайдиган, Совет-Ҳиндистон дўстлигига бебаҳо ҳисса қўшган Ражив Ганди ўлдирилди. Бу даҳшатли ёвузликдан қалбларимиз қаҳр-ғазабга тўлди.

Жаноб Президент, сизга, бутун Ҳиндистон халқига оғир жудолик муносабати билан Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқлари номидан чуқур таъзия изҳор қиламан.

**М. ГОРБАЧЕВ,**
**СССР Президенти.**

# Соня Ганди хонимга

Ражив Ганди ваҳшиёна ўлдирилганлиги тўғрисидаги даҳшатли хабар қалбларимизни ларзага солди. Бу — ўз мамлакати учун, дунё яхшироқ ва адолатлироқ бўлиши учун жуда кўп иш қилган буюк давлат арбобига қарши қилинган даҳшатли жиноятдир. У бизнинг жуда яқин дўстимиз эди. Биз унинг ажойиб инсоний фазилатларини юксак даражада қадрлардик.

Азиз Соня, самимий ҳамдардлигимизни, шу оғир пайтда дўстлик ва мадад туйғуларимизни қабул қилгайсиз. Унутиб бўлмас қайғуингизда биз сиз билан бирга ҳамдардмиз.

**Михаил ва Раиса ГОРБАЧЕВЛАР.**

# ТАЪЗИЯ ДАФТАРИ ОЧИЛДИ

Ҳиндистон Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консулхонаси собиқ бош вазир ва Ҳиндистон миллий конгресси (и) партиясининг раиси жаноб Ражив Ганди вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Бутун Ҳиндистонда етти кунлик давлат мотами эълон қилинди. Ҳиндистон Жумҳуриятининг Давлат байроқлари эгиб қўйилган. 22 май куни Ҳиндистондаги барча давлат муассасалари собиқ раҳбарга ҳурмат белгиси сифатида ёпиб қўйилди.

Ҳиндистон жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консулхонасида таъзия дафтари очилди. Жамоатчилик 23 май пайшанба куни ва 24 май жума куни соат 9.30 дан 12.30 гача ва соат 14 дан 16.00 гача унга таъзия ёзиши мумкин.

# *Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

**АҲОЛИГА ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА ХОНАТЛАС СОТИШ НОРМАСИ ВА ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Миллий хусусиятлар ва анъаналарга асосланиб, шунингдек «хонатлас» газламаси ресурсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 апрелдаги 97-сон қарорига мувофиқ хонатласни имтиёзли нархларда меъёрида сотиш тартиби никоҳдан ўтаётган кишиларга даҳл қилади, белгиланган чакана нархдан 50 фоиз чегириб ташлаб, ҳар бир оилага саккиз погон метр ҳисобидан берилади, деб белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув:

никоҳдан ўтаётган кишилар фуқаролик ҳолати ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш бўлимлари, халқ депутатлари қишлоқ (овул), поселка Советлари ижроия комитетлари берадиган маълумотномани тақдим этганларидагина уларга имтиёзли нархларда хонатлас сотсинлар;

Ўзбекистон ССЖ Иқтисод комитети, Ўзбекистон ССЖ Давлат нарх комитети билан биргаликда имтиёзли нархларда хонатлас сотиш ва белгиланган чакана нарх билан имтиёзли нарх ўртасидаги фарқни савдо ташкилотларига жумҳурият бюджетидан тўлаш тўғрисидаги қоидани уч кунлик муддат ичида ишлаб чиқсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 22 май.



## Янги телефон станциялари

Андижон шаҳар Қўшариқ массивида барпо этилаётган янги автомат-телефон станцияси 10 минг хонадонга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Уни 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари тиклашяпти. Ҳозир бу ерда сўнгги монтажлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги телефон станциясини шу йилнинг учинчи кварталида ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Худди шундай АТСлар вилоят марказининг «Бўстон» массиви ҳамда Бобур номли хиёбонларида ҳам бунёд этиляпти. Уларнинг ҳар бири 16 минг номерга хизмат қилади.

СУРАТЛАРДА: 1. Янги 7-телефон станцияси мухандиси Х. Ёнтоқова симов алоқасини йўлга қўймоқда. 2. Шаҳар телефон станцияси монтёри Н. Хўжаев Улуғ Ватан уруши қатнашчиси З. Узоқова хонадонига телефон ўрнатиб берди.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

# ТАНГЛИКДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИДА

**● КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Андижон вилоят Балиқчи районидаги «Бўстон» давлат хўжалигининг механизатори Обиджон АБОБАКИРОВ КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида қатнашди. Бундан аввал у Москвада КПСС Марказий Комитетининг қабулхонасида фуқароларни қабул қилганди. Жамоатчи мухбиримиз билан суҳбатда у ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.**

**— Сизнинг ҳаётингизда кўпгина унутилмас воқеалар рўй берди. КПСС XXVIII съездига делегат бўлдингиз, анжуманда КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига сайландингиз.**

— Партиянинг олий анжуманида қатнашишни ҳар бир коммунистга билдирилган катта ишонч деб биламан. Оддий коммунист сифатида мен учун бу катта шараф, лекин КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига сайланишим эса кутилмаган воқеа бўлди.

Ёшлигимданоқ давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаб келдим. Ўтган йили бригадамиз пахтакорлари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,5 центнердан ҳосил кўтариб режани ошириб бажардилар. Ўз фаолиятимда эътиқодли ва принципиал коммунистлардан ўрнак олишга интиляпман. Айниқса устозларим А. Каримов, Ю. Эргашев, ва И. Ҳасановлардан кўп нарсаларни ўргандим. Коммунистик эътиқодим шаклланишида уларнинг таъсири катта бўлди.

**— Москвада қабулхонадаги ишингиз тўғрисида тўхталсангиз.**

— КПСС Марказий Комитетининг қабулхонасида икки кун давомида фуқароларни қабул қилдим. Марказий Комитетнинг масъул ходими А. Молокоедов бунда менга яқиндан ёрдам берди.

Одамларни бу ерга келишларига нималар мажбур қилди? Бунга биринчидан, жамиятимизда тўпланиб қолган муаммоларнинг кишиларни тўлқинлантираётгани бўлса, иккинчидан, фуқароларнинг дастлабки мурожаатлари жойларнинг ўзида чуқур ўрганилмаётгани ва ҳал этилмаётганлигидир. Шу боис, улар КПСС Марказий Комитети қабулхонасига нажот излаб боришган. Тўғри улар кўтарган масалаларни ҳал этиш учун жуда кўп идоралар, раҳбар ташкилотлар билан мулоқотда бўлишга, роса терлаб ишлашга тўғри келди. Аммо бундан мен фақат хурсандман. Чунки ўзим учун номаълум бўлган янги дунёга кириб бордим, одамлар билан ишлашни ўргандим.

Фуқароларни қабул қилар эканман, оддий коммунист сифатида мени яна бир нарса хурсанд этди. Кишилар қайси масалалар билан мурожаат қилишмасин, улар партияга ишонганликлари учунгина шу ерга нажот излаб келганлар.

**— КПСС Марказий Комитети билан Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма Пленумида мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш масаласи кўрилди. Шу хусусдаги Сизнинг фикрингиз?**

— Жамиятимизда ҳам, партиямизда ҳам муҳит ўта кескин. Сўллар ва ўнгларнинг мамлакатни ислоҳотлар йўлидан тойдириб юбориш учун уринишлари тобора кучайиб боряпти. Илгари бир-бирига душман бўлган кучларнинг қалтис пайтда топишиб олганлигининг ўзи ҳам жуда катта хавф туғдиряпти.

Ҳа, мамлакатимиз оғир иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Мамлакатни тинч воситалар билан янгилашни амалга ошириш иши осонликча бўлаётгани йўқ. Чунки демократик тартиб-қоидалар душманлари қонуний давлат тузилмаларини қўпоришга қаратилган талабларни илгари сурмоқда. Бу талаблар агар амалга ошгудек бўлса, унда мамлакатни хатарли ҳокимиятсизлик гирдоби ўз домига тортиши сир эмас. Бундан ҳулоса шуки, мавжуд қонуний тартибларнинг бузилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, уни тиклаш ва мустаҳкамлаш бутун жамиятнинг, барча ҳақиқий демократик кучлар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг вазифасидир. Мамлакатни танглик ботқоғидан олиб чиқиш учун сиёсий кучлар ва ҳаракатлар бир ёқадан бош чиқариб халқ манфаатларини кўзлаб иш тутишлари керак. Иттифоқ ва тўққиз жумҳурият раҳбарларининг учрашувида қабул қилинган қўшма баёнотда ҳам аҳволни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиши йўл-йўриқлари кескин қилиб қўйилгани сабаби ҳам ана шунда.

Мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва интизомни мустаҳкамлаш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Шу ўринда бир нарсани келтирмоқчиман. Ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссиянинг маълумотларига кўра, 1990 йилда халқ хўжалигида турли сабабларга кўра 10 миллион киши соат, шу йилнинг биргина февралида эса 2,5 миллион киши соат иш вақти йўқотилган. Агар иш шу суръатларда давом этаверадиган бўлса, унда тангликдан чиқиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқимизда бирники мингга, мингники туманга деган гап бор. Бой берилган иш куни бутун бир узилишлар ва ўпиришларга олиб келади. Ҳолбуки рисоладаги меҳнат жараёнини тиклаш нақадар мушкуллигини айтишга ҳожат йўқ. Кўриниб турибдики, ҳозир меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳар биримиз учун сув ва ҳаводек зарур.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида мамлакатдаги ва партиядаги ҳозирги сиёсий вазият чуқур таҳлил этилди. Тангликдан чиқиб олиш шароитида партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик ишини кучайтириш масаласи биринчи ўринга чиқарилди. Партия ўзи бошлаган ислоҳотларни изчил давом эттириш учун бор таъсири, обрў-эътибори ва имкониятларидан тўла фойдаланишга қарор қилди. Пленумда таъкидланганидек, тангликдан қутилиш учун партия жамиятдаги барча ватанпарвар кучларни, демократик сиёсий ҳаракатларни ўз атрофида бирлаштириб, ҳуқуқий тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш йўлидан қатъий бориши лозим. Зеро, партия учун халқ манфаатларидан кўра устун манфаат йўқ. Мамлакатда эса халқ ғамини еяётган ва унинг ташвишлари билан яшаётган ягона куч Коммунистик партиядир. Мамлакатни жар ёқасидан фақат коммунистларгина олиб чиқа оладилар. Бунинг учун эса қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва тўла бажаришга эришишимиз лозим. Ҳамма гап ана шунда.

**Обиджон Абобакиров Москвадан қайтгандан сўнг унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Ҳамқишлоқлари унга юксак ишонч билдиришиб хўжаликнинг учинчи бўлими 1-пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб сайлашди. Табиийки, энди собиқ механизаторнинг масъулияти ҳам, ташвишлари ҳам янада кўпаяди. У бу вазифани ҳам кўнгилдагидек бажариб, бригада аъзоларининг ишончини оқлайди. Бунга эса шак-шубҳа йўқ.**

М. КАРИМОВ.

## ОЛМАОТАДА НАВОИЙ КУНЛАРИ

ОЛМАОТА, 21. Бугун Қозоғистон пойтахтида бошланган Навоий кунлари Шарқнинг буюк алломаси, ўзбек адабиётининг асосчисига бағишланган. Байрам музей ва кўргазма залларида, шаҳар саҳналарида бўлиб ўтади. Қозоғистон Фанлар академиясининг Мухтор Авезов номли адабиёт ва санъат илмгоҳида дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Бу ерга олимлар — адабиётшунослар, халқ оғзаки ижодининг билимдонлари тўпландилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Қўлёзмалар илмгоҳининг директори А. П. Қаюмов Навоий йилида ўтказилаётган тадбирлар, «Фан» нашриёти биринчи марта жуда катта ҳажмда нашр қилаётган шоир асарларининг йигирма жилдли мажмуи ҳақида гапириб берди. У Ўрта Осиё жумҳуриятларида Навоий ижодига бағишланиб ўтказилган илмий сессияларнинг якунлари билан таништирди, айни вақтда бундай сессиялар Қозоғистон диёрида бошланганини таъкидлади.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Қоратоев, қозоқ адабиётининг мумтози Абай Алишер Навоий унинг буюк устози эканлигини неча марталаб айтган, унинг турк тилида яратилган бутун адабиётни ривожлантиришга жуда катта таъсир кўрсатганини таъкидлаганди, деди. Авлодларимиз ҳам оқинлардан ўрнак олиб, ҳамма вақт бир-бирларидан ўрганишлари лозим.

Адабиёт ва санъат илмгоҳи қўлёзма манбаларини тадқиқ этиш марказида ҳам мавжуд алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳақида гапирилди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар илмгоҳида Қозоғистон вакиллари тажриба мактабини ўташи ҳақида келишиб олинди. Уйғуршунослик илмгоҳининг илмий ходими Б. Райҳонов ана шу тадбирнинг дастлабки қалдирғочи бўлди. У Тошкентда ишлаганидан сўнг «Туркистонда Навоий қўлёзмаларини ўрганиш» мавзусида илмий иш ёзган эди.

Олмаотадаги Навоий кунларида Ўзбекистон делегациясининг аъзолари А. С. Пушкин номидаги Қозоғистон ССР давлат кутубхонасига борадилар, у ерда Навоий кунлари муносабати билан ўзбек мумтози шарафига кўргазма очилади, ўзбекистонлик меҳмонлар Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида маданият ва санъат арбоблари билан учрашадилар, Қозоғистон ССР Давлат маданият ва матбуот комитетларида бўладилар.

Олмаота шаҳрининг марказий концерт залида икки жумҳурият санъат усталари концерт берадилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ махсус мухбири.

БУХОРО:

## Ютуқлар ҳақида гапиришга вақт эрта

**● Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий тараққиёт, фан ва маданият комплексининг Бухорода бўлган сайёр мажлиси ижтимоий соҳани ривожлантириш муаммоларига бағишланди. Бухоро вилоят ижроия комитетининг ижтимоий муассасаларнинг моддий-техникавий базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир иши муҳокама қилинди.**

Мажлисда Соғлиқни сақлаш, Маданият, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ижтимоий таъминот вазирликларининг, Давлат матбуот ва спорт комитетларининг раҳбарлари, жумҳурият бошқа идораларининг, маҳаллий Совет ва хўжалик идораларининг вакиллари қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар вилоятда умумий таълим мактаблари ва мактабгача болалар муассасалари қурилиши суръатлари ошганлигини таъкидладилар. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси олий билимгоҳи, техникумлар, педагогика ва тиббиёт билим юртлари моддий базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Бу билим юртлари учун янги ўқув корпуслари ва ётоқхоналар, спорт иншоотлари ва ошхоналар қурилмоқда. Янги Бухоро тиббиёт олий билимгоҳи очилди. 36 та ҳунар-техника билим юртида базавий корхоналар билан хилма-хил касбдаги ишчиларни тайёрлашга доир бевосита шартнома асосида кадрлар тайёрланмоқда. Буларнинг ҳаммаси вилоят учун кадрлар тайёрлаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам беради.

Шу билан бир вақтда вилоятдаги 190 та мактаб мослаштирилган биноларда ишламоқда, 120 та мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган, 141 та мактабда сув қувури йўқ, 37 та мактабда на ошхона, на буфет бор. Мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида она тилида чиқарилган методик адабиётлар, турли қўлланмалар, дарсликлар етишмаяпти. Ҳунар-техника билим юртларидаги аҳвол ҳам ана шундай.

Вилоятда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга доир ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Кундузги стационарлар ва хонадонларда стационарлар очилмоқда. Касалликни аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари жорий этиляпти. Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлашнинг моддий базасини мустаҳкамлаш хусусида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Кўпгина соғлиқни сақлаш иншоотлари жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига қурилган. Вилоятдаги санитария ҳолати яхшиланди. Ҳаммомлар қуриш, сув қувурлари, канализация ва газ тармоқлари барпо этиш режалари бажарилди.

Бироқ қилинган ишлар етарли эмас. Болалар ўлими, айниқса, Учқудуқ ва Томди районларида ҳамон юқори даражада. Тиббий асбоблар, дори-дармонлар, тажрибали врачлар етишмаяпти.

Бухоро вилояти совет ва чет эл туристлари кўп келадиган ўлкадир. Бу ерда хилма-хил маданий тадбирлар ўтказилади, машҳур артистларнинг гастроллари бўлиб туради. Ижодкор жамоаларнинг фаолияти мутасил такомиллашиб бормоқда. Фольклор санъати, халқ ҳаваскорлик ижодиёти ривожланмоқда. Халқ санъати кўрик-танловлари, Шарқ қўшиқлари фестивалларини, амалий ва тасвирий санъат кўргазмалари ўтказилмоқда.

Шунга қарамай, маданият муассасаларининг моддий базаси ижтимоий соҳа тизмасидаги энг ожиз база бўлиб қолмоқда. 219 клубнинг биноси йўқ. Кўпгина маданият муассасалари ободон созлашни талаб қиладиган мослаштирилган биноларда жойлашган. Маданият муассасаларини қуриш, уларни мебель, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш суст бормоқда. Маданият ва истироҳат боғларидаги аҳвол, айниқса, қониқарли эмас, улар зарар келтирмоқда.

Вилоятда ишчилар ва хизматчилар учун жисмоний тарбия ва соғломлаштириш марказларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда, хўжалик ҳисобидаги саломатлик гуруҳлари очилмоқда, спорт иншоотлари қурилмоқда. Бироқ уларнинг имконияти спорт билан жиддий шуғулланишни хоҳлаётганларнинг атиги бешдан бир қисмининг эҳтиёжини таъминлайди, холос. Мактабларнинг ярмидагина спорт заллари бор. Бунинг оқибатида вилоят аҳолисининг атиги 6 фоизи жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларининг турли шаклларига жалб этилган. Шу муносабат билан ёш авлоднинг жисмоний ҳолати асосли ташвиш уйғотмоқда. Юрак хасталикларининг кўпайиши қайд этилган, бунинг сабаби кам ҳаракат қилишдир.

Вилоят аҳолисига ижтимоий хизмат кўрсатиш ва пенсия таъминоти ишига эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ногиронлар ва қариялар учун интернат уйларнинг моддий базаси ҳамон талабга жавоб бермайди, кўпинча тиббий хизмат расмиятчилик билан ўтказилади, доридармон етишмайди. Ижроия комитетлари ҳузурида ташкил этилган ижтимоий хизмат масалаларини мувофиқлаштириш кенгаши кўпинча ҳеч қандай иш қилмаяпти. Пенсияларни расмийлаштиришда сансалорлик ҳоллари бўлмоқда, бу эса меҳнат фахрийлари ва кекса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мажлис қатнашчилари Бухоро вилоятидаги ижтимоий соҳа ва маданият муассасаларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари режасини тасдиқладилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раиси нинг ўринбосари Э. С. Самандаров, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Совети нинг раиси Д. С. Ёдгоров нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

СССР Вазирлар Маҳкамасида

# ХАЛҚ МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

### ТИЖОРАТ СОЛИҒИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар олий давлат идоралари раҳбарларининг «Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни тугатиш юзасидан шошилинч тадбирлар тўғрисида»ги қўшма баёнотига мувофиқ аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш мақсадида ҳамда СССР ва республикалар ҳукуматларининг келишувига асосан СССР Вазирлар Маҳкамаси шу йил 19 май қарори билан рўйхатга мувофиқ ижтимоий муҳим кундалик зарур молларни сотишдан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан тижорат солиғи олишни бекор қилди.

Республикаларнинг ҳукуматлари маҳаллий ўзига хос хусусиятлардан ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг иловасида кўзда тутилган моллар ва хизматлар рўйхатини тўлдирадилар.

### ТИЖОРАТ СОЛИҒИ СОЛИНМАЙДИГАН КУНДАЛИК ЗАРУР МОЛЛАР ВА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР РЎЙХАТИ

●

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ**

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (*)

Сут, сариёғ, пишлоқлар, музқаймоқ, сузма ва бошқа сут маҳсулотлари

Тухум, тухум кукуни, меланж

Маргарин маҳсулотлари, ошпазликда ишлатиладиган ёғлар

Эритилган ёғ ва овқатга ишлатиладиган бошқа ёғлар, майонез

Нон ва нон-булка маҳсулотлари

Ёрма ва ёрма маҳсулотлар

Ун, крахмал

Макарон маҳсулотлари

Чой, қаҳва, какао ва улардан тайёрланган ичимликлар

Туз

Картошка ва картошкадан тайёрланган маҳсулотлар

Сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, мевалар, узум, резавор мева ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (вино маҳсулотлари бундан мустасно)

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари (*)

Ошпазлик маҳсулотлари, жумладан ярим фабрикатлар (*)

Спиртсиз ичимликлар, минерал сувлар, пиво

Болаларни овқатлантириш учун мўлжалланган маҳсулотлар, шу жумладан чет элда ишлаб чиқарилганлари

Хусусий тарзда тайёрланган умумий овқатланиш маҳсулотлари, шу жумладан чакана савдо тармоғи орқали сотиладиган ана шундай маҳсулотлар (*)

Қандолат маҳсулотлари (шоколадли қандолат маҳсулотлари ва қоғоз қутида сотиладиган маҳсулотлар, чет элда тайёрланган қандолат маҳсулотлари бундан мустасно)

**ВАТАНИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ**

Болалар учун моллар

Жомакорлар

Полимер (резина) пойабзал

Кигиз пойабзаллар

Трикотаж ва тикилган ич кийимлар, шу жумладан чойшаб, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, дастурхонлар

Пайпоқлар

Қўлқоплар ва трикотаж бошмалдоқли қўлқоплар

**МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ**

Мактаб дафтарлари, кундалик дафтарлар, расм чизиш ва чизмачилик альбомлари, нота дафтарлари, дарс жадваллари ва бошқа шунга ўхшаш буюмлар, болалар учун канцелария моллари, мактаб дарсликлари, пионерлар анжомлари

Ўсмирлар ва болалар велосипедлари, спортроллерлар, самокатлар, педалли автомобиллар ва тракторлар, манежлар, болалар аравачалари ва ҳоказо

Болалар учун мебель, чана, болалар чанғилари

Ўйинчоқлар, арча безаклари

Фильмоскоплар, диафильмлар ва болалар учун мўлжалланган бошқа фотокино моллари

Болалар мавзусидаги грампластинкалар

Болалар ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган спорт ҳамда саёҳат анжомлари

Гугурт

Сунъий кир ювиш воситалари

Сумкалар, полиэтилен халталар

Ток манбалари ва ёритиш лампалари

Санитария-гигиена қоғози, қоғоз салфеткалар

Атир совун ва кир совун

Тиш ювиш пастаси ва кукуни, вазелин

Болалар учун мўлжалланган парфюмерия-косметика моллари

Табобатда фойдаланиладиган дори-дармонлар ва буюмлар

Аҳолига сотиладиган керосин, печка ёқилғиси ва ўтин, кўмир, газ, электр энергияси

Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар: уй-жой-коммунал ва эксплуатация (шу жумладан уй ҳақи) хизматлари, почта, телеграф, телефон, алоқа хизматлари

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқиш билан боғлиқ хизматлар

### СССР ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ВАЗИРЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат ҳаво транспорти барқарор ишлашини, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Қарорда СССР Фуқаро авиацияси вазирлиги корхоналарида унумли меҳнатни рағбатлантириш ва иш шароитларини яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган.

Вазирликка ўз корхоналарининг истеъмол учун сарфланадиган маблағи асосий миқдорини ўртача 40 фоиз ошириш ҳуқуқи берилди. Бунда иш ҳақини меҳнат шароитларига мос ҳолга келтириш заруратидан келиб чиқилди ва корхоналар штатларини бутлаш мақсади кўзланди.

Вазирликка тармоқ касаба уюшмалари иштирокида қўшимча маблағларни турли тоифадаги ходимлар меҳнат ҳақини оширишга сарфлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда ҳаво ҳаракатини бошқарувчи ва учиш состави ходимлари учун иш ҳақини ошириш даражасини 50 фоиз қилиб белгилаш топширилди.

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлигига ҳамда СССР Фуқаро авиацияси вазирлигига имтиёзли шартлар билан пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган алоҳида зарарли ва меҳнат шароитлари алоҳида оғир бўлган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимларнинг, ғоят гавжумлиги ва мураккаблигини диспетчер эътироф этган ҳаво зоналарида, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш марказлари ва шўъбаларида ҳаводаги ҳаракатни бошқарадиган ходимлар касбларининг 1-сонли рўйхатини тўлдириш юзасидан таклифлар тайёрлаб, СССР Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш топширилди.

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлигига ҳаводаги ҳаракатни бошқариш билан шуғулланувчи ходимларни қўшимча отпуск олиш ва қисқартирилган иш куни режимида ишлаш ҳуқуқини берувчи рўйхатга киритиш топширилди. Бу тоифадаги ходимлар учун қўшимча отпуск муддатини 33 иш кунигача, иш вақти муддатини ҳафтасига 36 соат деб белгилаш кўзда тутилди.

Қарорга мувофиқ СССР Фуқаро авиацияси вазирлиги шу йилнинг 1 августигача 1992 йил тариф битимини тузиш чорасини кўриши, унда хусусан аҳолининг ва халқ хўжалигининг юк ташишга ва ҳаво транспортининг бошқа хизматларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши таъминланишини, учувчилар состави меҳнати учун ҳақ тўлаш системаси такомиллаштирилишини, тариф ставкалари ва лавозим маошлари янада оширилишини, бунда уларга компенсация тарзидаги қўшимча ҳақ ва тўловлар қўшилишини кўзда тутиши лозим.

Қарорда бошқа баъзи чора-тадбирлар ҳам режалаштирилган.

### ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА

СССР Вазирлар Маҳкамаси сўнгги кунларда ўқувчи ёшлар ижтимоий кафолатларини янада кенгайтиришга доир бир қанча масалаларни кўриб чиқди ва «Ўқувчи ёшларнинг айрим тоифаларини стипендия билан таъминлаш тўғрисида» ва «Чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан ўқувчи ёшлар моддий таъминотининг қўшимча чоралари ҳақида» қарорлар қабул қилди.

СССР Халқ таълими давлат комитетининг олий ўқув юртларида стипендиялар миқдорини ошириш ва ўзлаштирувчи талабаларга ойига 150 сўм, фақат яхши ёки фақат яхши ва аъло баҳога ўқийдиган талабаларга ойига 170 сўм, фақат аъло баҳоларга ўқийдиган талабаларга ойига 190 сўм миқдорида белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Мамлакатимизда таълим олаётган чет эл фуқароларининг амалдаги стипендиялари миқдори ўқув юртининг турига қараб ойига 60-40 сўм оширилди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига ойига 210 сўм миқдорида стипендия белгиланди.

Машҳур кишилар номидаги оширилган стипендияларнинг қуйидаги миқдорлари белгиланди: олий ўқув юртлари талабалари учун В. И. Ленин номли ва Карл Маркс номли стипендиялар — ойига 210 сўм, олий ўқув юртларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг аспирантлари учун — ойига 260 сўм;

СССР ҳукуматининг қарори билан олий ўқув юртларининг талабалари учун белгиланган фан, техника ва маданиятнинг атоқли арбоблари номидаги стипендиялар — ойига 200 сўм;

ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун В. И. Ленин номли стипендия — ойига 180 сўм.

Чакана нархлар оширилиши муносабати билан компенсация тўловлари кундузги умумий таълим мактабларининг 18 ёшдан юқори ўқувчиларига қўлланилади. Олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари тиббий сабабларга кўра академик таътилда бўлсалар, уларга академик таътил даврида ўқув юрти маблағи ҳисобидан ойига 50 сўм миқдорида нафақа белгиланди.

Ўқувчи ёшлар овқатланишини ва моддий таъминотини яхшилашга доир қўшимча чоралар кўзда тутилди, жумладан:

интернатларда ва Иттифоқ ихтиёридаги бошқа ўқув юртларида овқатланиш учун харажатларнинг кунлик меъёрини уч баравар ошириш;

ўқув юртларига эга бўлган Иттифоқ вазирликлари ва идораларига 1991 йилда овқатланиш қиймати ошганига бутун таълим даври давомида ҳар бир кишига кунига бир сўмдан компенсация тўлаш учун маблағ ажратиш;

Талабалар ва ўқувчи ёшларнинг транспортда юриши учун амалда имтиёзли тарифларни 1991 йилда сақлаб қолиш кўзда тутилди. Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига болалар ташкилий равишда дам олишга борадиган пайтда транспорт ҳақи қийматини 1991 йил 2 апрелгача амал қилган тарифлар даражасигача пасайтириш тўғрисида келишиб қарорлар қабул қилиш тавсия этилди.

Олий ўқув юртларининг ректорларига ва ўрта махсус ўқув юртларининг директорларига стипендия фондининг бир фоизгача қисмини ўқувчи ёшларга моддий мадад беришга сарфлаш учун рухсат этилди. Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан пул билан таъминланадиган ўқув юртлари учун худди шундай қарорлар қабул қилиш тавсия этилди.

Ишлаб чиқариш ва ўқув тажрибасини ўташ чоғида олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига кунига 4 сўм миқдорида кунлик ҳақ тўланади.

Қарорда бошқа баъзи чоралар ҳам белгиланган.

(*) СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 12 ноябрдаги 1134-сонли ҳамда СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сонли қарорлари иловаларида кўзда тутилган шартнома (эркин) нархларда аҳолига сотиладиган моллардан ташқари.

• ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ТУГАТАЙЛИК

# ДЕҲҚОНГА ТУШКУНЛИК ЯРАШМАЙДИ

**БУ ЙИЛГИ баҳор кечикканлигига қарамай, деҳқонларимиз учун анча қулай келганди. Айниқса, чигитни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида экиб, ундириб олиш учун қулайлик туғилганди. Май ойининг бошларидаёқ экин майдонларининг 80 фоизида соғлом, бақувват ниҳоллар пайдо бўлганди. Бироқ кейинчалик жумҳуриятимизнинг кўпгина ҳудудларида, айниқса Қорақалпоғистонда, Хоразм, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида кучли бўрон, ёмғирлар ёғиши, сел пайдо бўлиши, ҳатто дўл ёғиши қишлоқ хўжалик экинларига, хусусан пахтазорларга катта зарар етказди.**

Ёғингарчилик миқдори 21 майгача бўлган даврда ҳамма жойда нормадагидан анча юқори бўлди. Яъни бу миқдор 125—300 фоизга етди. Бухоро ва Хоразм вилоятларининг айрим жойларида бу миқдор 478—544 фоиздан ошиб кетди. Май ойида бундай ёғингарчилик 1972, 1976 ва 1978 йилларда юз берган.

Дўл натижасида ғўза ниҳолларининг ўсиб бораётган қисмлари қаттиқ шикастланди. Беда, лавлаги, маккажўхори дон экинлари, илдизмева экинлар, узумзорлар анчагина зарар кўрди. Бинобарин, бу олинажак ҳосилнинг камайишига олиб келади. Деҳқонларимиз учун содир бўлган шундай оғир вазиятда табиий офат оқибатларини тезроқ тугатиш, йўқотилган ҳосилни тиклаш учун зарур чораларни кўриш талаб этилади.

Юз берган вазиятни ҳисобга олиб, жумҳуриятимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирги пайтда жойлардаги аҳвол билан танишиб, ўша жойнинг ўзида табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун қатор ҳукумат комиссиялари тузилди. Биз комиссия аъзолари юқорида кўрсатилган вилоятлар ва Қорақалпоғистонда бўлиб, юз берган вазият билан танишдик. Бизнингча, табиий офат оқибатларини тугатиш учун шошилинч тадбирларни амалга ошириш шарт.

Аввало чигит экиш муддатлари ўтиб кетганлиги муносабати билан чигитни қайта экишдан воз кечиш керак. Зеро, ривожланиш даври учун кетадиган вақт кам қолди. Бунинг устига иссиқлик ва қуёш энергияси етишмай қолиши мумкин. Мабодо, экинзор тўлалигича, яъни юз фоиз зарарланган бўлсагина чигитни қайта экиш мумкин. Бунда албатта, ғўзанинг тезпишар навларини, яъни С—4727, Тошкент—6, С—9070 навларини экиш керак. Илмий-тадқиқот муассасаларининг кўп бор амалга оширган тадқиқотларига кўра ва илғор хўжаликларнинг тажрибасига мувофиқ ғўза тупларининг зичлигидан ташқари ҳосилдорликни ўз вақтида амалга оширилган агротехника тадбирлари ҳам ҳал этади. Шу нарса исботланганки, ҳар гектар ерда 45—50 минг туп кўчат бўлган майдонларда 45—50 центнер, ҳатто ундан кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Бу тажриба Тошкент вилоятининг Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги далаларида синаб кўрилди. Шу муносабат билан барча пахта майдонларини кўздан кечиришни, ҳар бир метр жойни текширишни, ўсимликлар қанчалик зарар кўрганлигини ҳисоблаб чиқишни тавсия этамиз. Агар ҳар погон метр майдонда, ҳатто 3—4 туп кўчат қолган бўлса ҳам, ҳар гектар майдонда 48 минг туп кўчат бўлиши мумкин.

Хато жойларга чигит экиш усулларини белгилаб олиш зарур. Ҳозир бир минут ҳам вақтни бекор ўтказмай, уруғликни вақтида ивитиш, хато жойларга аниқ жойлаш муҳимдир. Шуни эсдан чиқармайликкки, гектарларнинг тўлиқлиги ва яхши парвариш туфайлигина мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин. Хато жойларга экиш учун туксизлантирилган чигитлардан фойдаланилади. Зеро, худди шундай чигитни ерда намлик етарли бўлган пайтда экиб, ундан тўла кўчатлар олиш мумкин.

Афсуски, баъзи участкаларда илдиз чириш касаллиги авж олиб, ўсимликнинг илдиз системаси зарар кўряпти. Шу билан бирга худди ўша майдонларнинг ўзида соғлом, илдиз системаси яхши ривожланаётган ўсимликлар ҳам бор. Шу сабабли қатқалоққа қарши курашни авж олдириш керак. Албатта, бунинг учун жойлардаги барча имкониятлардан имкони борича тўла фойдаланиш талаб этилади. Энг муҳими, қатқалоқни қисқа муддатларда бартараф этиш зарур. Айниқса, шўрланган ерларда бу ишга эътиборни кучайтирайлик. Қатор ораларига сифатли ишлов бериш, қатқалоқни тугатиш натижасида биз ўсимликка иссиқлик ва кислород етиб боришини тезлаштирамиз, бундан ташқари илдиз чириш касалининг олдини оламиз.

Қаердаки чигит униб чиқишига гумон пайдо бўлса, экилган жойга қўшимча уруғ ҳам қадаш керак. Бунда икки қаторли кўчатлар пайдо бўлади. Бу тажриба кўп бор синалган. Оққўрғон райони хўжаликларида 70-йилларда биринчи марта мана шундай чигит экиш усули амалга оширилганди. Кейинчалик бу усул бошқа районларда ҳам синаб кўрилган. Натижалар шуни кўрсатдики, шу йўл билан етарли миқдорда бақувват кўчатлар олиш мумкин экан. Иккала қаторда ҳам кўчатлар пайдо бўлгач, ниҳоллар кўздан кечириб чиқилади ва қаерда бақувват ниҳоллар бўлса улар асраб қолинади. Албатта, чигитни икки қаторлаб экиш бегона ўтларга қарши курашни мушкуллаштиради. Бироқ ишчи кучлари кўп бўлган хўжаликларда икки қаторлаб экиш ўзини тўла оқлайди.

Қаердаки ниҳоллар кўпроқ зарарланиб, тўла гектарлар ҳосил қилиш умиди бўлмаса, имконият даражасида юқори сифатли тезпишар навларни экиш керак. Бу ўринда қаттиқ ёмғирлар натижасида ва бошқа офатлар туфайли ўсимлик илдиз системаси учун зарур бўлган элементлар, азот, фосфор ва калий ўғитлари ювилиб кетганлигини кўзда тутиш керак. Чунки, ўсимлик мана шу ўғитларга мутоҳтож. Ерга органик ва минерал ўғитларни ўз вақтида солиш туфайли экин тез ривожланиб, унинг шоналаши, гуллаши ва ҳосил тугиши тезлашиши илмий жиҳатдан исботланган. Бунинг устига дастлабки ҳосил элементлари тўкилишининг олди олиниб, ҳосилдорлик сақлаб қолинади ва олинадиган маҳсулот сифатига путур етмайди. Ерларга қанча миқдорда органик ва минерал ўғитлар солиш кераклигини жойлардаги мутахассислар вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишлари зарур.

Биз қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг эътиборини бу йилги шароитда маҳаллий ўғитлардан кенгроқ фойдаланиш кераклигига қаратмоқчимиз. Айниқса, ярим чиритилган ва чиритилган гўнг солиш фойдали. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, гўнг солинган майдонларда вегетация даврида тупроқнинг ҳосилдор қатламлари донадорлиги сақлаб қолинади, унинг нам сақлаш қобилияти бут бўлади, микробиологик жараёнлар фаоллашади, илдиз системаси ривожланиши яхшиланади. Бунинг натижасида ўсимликнинг тез ривожланиб, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ортади. Табиийки, биз тупроққа органик ва минерал ўғитларни қанча эрта ташласак, ундан шунча кўпроқ самара оламиз.

Май ойи ҳам охирламоқда. Барча экиш муддатлари ўтиб бормоқда. Пахта ҳосилдорлиги экиш муддатига кўп жиҳатдан боғлиқлиги илмий жиҳатдан исботланган. Албатта, қулай шароитларда экилган эртаки ғўзалар юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини беради. Барча пахтачилик зоналарида 10 майгача чигит экилиб, тўла гектарлар ҳосил қилинса, пахта тайёрлаш режалари албатта бажарилиши ҳаммага маълум. Бу бошқа экинларга ҳам тааллуқли. Чунки, кечки экин кузда етилиб улгурмайди. Ҳосил эса кўрак даражасида олинади. Бу билан фақат маҳсулот миқдорига эмас, балки унинг сифатига ҳам зарар етади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги олимлари ва мутахассислари ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда интенсив технология қўлланилишини тавсия этадилар.

АВВАЛО ўқариқлар оралиғига эътиборни кучайтириш керак. Унинг оралиғи ҳар қандай қатор шароитда ҳам 50—60 метрдан ошмаслиги керак. Энг кам нормада суғориш, ғўзага комплекс ишлов бериш муддатини қисқартириш, бегона ўтларни юлиб ташлаш, ўсимликни турли касалликлар, ҳашаротлардан муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўсимликнинг тез ривожланишига ёрдам беради. Ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши учун қулай иссиқлик ва қуёш нури етиб бориши керак. Ғўзани кўллатиб суғоришга йўл қўймайлик. Шунингдек минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантиришни кечиктирмайлик. Буларнинг ҳаммаси ривожланиш даврини ва ҳосил етилишини кечиктириб юбориши мумкин.

Бизнингча, яқин келажакда мутахассисларимиз ва олимларимиз ўсимликнинг ривожланиш даврига кўра зарур тавсияларни бериб борадилар. Деҳқонларимиз эса бутун куч ва билимларини ишга солиб маҳорат кўрсатишлари ва ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам ўз олдиларидаги вазифаларни аъло даражада бажара олишларини исботлашлари керак.

Ҳар қандай шароитда ҳам тушкунликка тушмай, олдимизга қўйилган вазифаларни астойдил бажарайлик.

Жумҳуриятимизнинг раҳбар органлари тегишли равишда моддий-техника ёрдами кўрсатиш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Жойларда комиссияларнинг аъзолари доимий равишда ишлаб чиқарувчиларнинг талаб-эҳтиёжлари билан қизиқмоқдалар, уларга ёрдам бериш чорасини кўрмоқдалар. Айниқса, деҳқонларга минерал ўғитлар, техника, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётирлар. Жумҳуриятимиз давлат суғурта ташкилотлари табиий офат келтирган зарарни қоплаш учун зарур тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар.

Биз шунга ишонамизки, жумҳуриятимиз қишлоқ меҳнаткашлари бу йилги шароитда ҳам фан ютуқлари, ўзларининг кўп йиллик бой тажрибаларини ишга солиб, юз берган қийинчиликларни мардонавор енгадилар ва барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга эришадилар.

**М. ИСЛОМОВ,**
**Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги вазири.**

**А. ИМОМАЛИЕВ,**
**ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг ранси, ВАСХНИЛ академиги.**

• *Маданият янгиликлари*

## ҚАҲРАМОН САНЪАТКОР ТАШРИФИ

**Тошкентдаги 24-мактабни бутун жумҳуриятимизда яхши билишади. Билим масканининг собиқ ўқувчилари орасида таниқли маданият ва фан арбоблари бор. Фаттоҳ Восиқов, Солиҳ Умаров, Икром Анмалов каби машҳур кишилар ҳам шу мактабдан учирма қилинган. Утган йили собиқ қаҳрамон ўқувчилар сафи яна биттага кўпайган эди. Миллий кинематографиямизнинг атоқли намояндаси, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Малик Қаюмова ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.**

**Устоз санъаткор яқинда ўзининг қадрдон даргоҳига ташриф буюрди. Малик ана ўзига алифбо сабоқларини ўргатган билим масканига таъзим қилар экан, шундай мактабда таҳсил кўрганидан ҳамиша фахрланиб юришини айтди. У мактабда ўқиган йилларидаги хотиралар билан ўртоқлашди. Ўқувчиларни яхши ўқишга, келгусида муносиб мутахассислар, кадрлар бўлиб етишиб чиқишга даъват этди. Йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Учрашув сўнгида мактаб коллективига ўзининг «Кинематография — менинг ҳаётим» китобини тақдим этди. Болалар эса, ҳурматли меҳмонни махсус концерт дастури ва «Алишер Навоий» драмасидан парча билан табриклашдилар.**

**Ҳ. ЮЛДОШЕВ.**

## «ФИРДАВСУЛ ИҚБОЛ» АМЕРИКАДА НАШР ҚИЛИНДИ

**Мунис Хоразмий ва Огаҳий томонидан ёзилган «Фирдавсул иқбол» асарининг танқидий матни Ю. Брегель томонидан Америкада тайёрланиб, Голландиянинг Лейден шаҳрида нашр қилинди.**

Олим танқидий матн тузишда асарнинг Ленинград ва Тошкент нусхаларидан фойдаланган. Ҳозир олим бу асарни турли илмий иловалар билан инглиз тилига таржима қилиш устида иш олиб бормоқда. Индиана (АҚШ) университетининг профессори Ю. Брегель ўзининг кўп йиллик оғир ва шарафли иши билан Ўзбекистон, хусусан Хоразм воҳаси бўйича қимматли манба эълон қилди. Ю. Брегель бу асари билан ўлкамиз тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

«Фирдавсул иқбол»да Хоразмнинг қадимги давридан 1860 йилларгача бўлган тарихи акс этган. Асарда ҳукмдорларнинг феъл-атворидан тортиб, оддий меҳнаткаш халқнинг бошига тушган беҳисоб кулфатлар тасвирланган. Хоразмда яшаб ижод этган шоирлар, бинокорлар, олимлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ундаги тарих, иқтисод, жуғрофияга оид муҳим маълумотлар асарнинг XIX асрга доир, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги жойлар тарихи бўйича нодир ёдгорлик эканлигини кўрсатади.

«Фирдавсул иқбол»нинг ҳанузга қадар Ўзбекистонда ўлиқ нашр қилинмаганлиги ҳисобга олинса, унинг узоқ Америкада тўла нашр қилиниши маданиятимиз учун катта аҳамиятга эга.

Афсуски, Ўзбекистон тарихига оид бу муҳим асарни жумҳуриятимиз кутубхоналаридан топиш қийин. Ўзбекистон тарихи учун зарур бу асарни китоб айирбошлаш ёки бошқа йўллар билан кутубхоналаримизга келтириш лозим, деб ўйлаймиз.

**Эргаш УМАРОВ.**





# ФАРОҒАТ МАСКАНИ ЧОРЛАЙДИ

*Табиат ва инсон*

## ЗИЛОЛ БУЛОҚЛАР

Халқ табобатида доривор гиёҳлар, шўр сув, балчиқ, қум, тупроқ ва қуёш нурларидан фойдаланиб келинган. Айниқса, шифобахш булоқлар киши саломатлиги учун ниҳоятда фойдали эканлиги барчага аён. Табиий манбалардан чиқадиган бундай маъдан сувлар одам танасидаги мавжуд кимёвий элементлар, тузлар мутаносиблигини таъминлаш билан бирга, турли хасталикларни даволаган.

Халқимиз ўтмишда муқаддас ҳисоблаб келган кўл, булоқ ва бошқа шифобахш манбалар яқингача қурофот ўчоғи ҳисобланиб келинди. Ичимлик сув сифатининг ёмонлиги, табиатдаги экологик танглиқнинг кучайиши оқибатида жумҳуриятимизда катталар қатори болаларда ҳам ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар сони кескин ошиб кетди.

Бугунги кунда ерости шифобахш сувлар топилаётган табиий манбалар устида янги-янги шифохона, санаторий-профилакторийлар қурилаётгани қувончли, албатта. Бинобарин, жумҳуриятимизда меҳнат аҳли дам олиб, даволаниши учун ана шундай 23 та маскан ишлаб турибди.

## РАПҚОН «ЖАННАТИ»

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган сўлим оромгоҳлардан бири — Фарғона вилояти Киров районининг Рапқон қишлоғидаги «Искра» санаторийсидир.

Санаторий худуди жануб томондан қирлар билан туташ. Шарқий ҳамда жанубий тарафда эса узумзор, ўрикзор боғлар. Мовий тиниқ осмон, биллурдек тоза ҳаво, бетакрор табиат ғўзаллиги бу оромгоҳга хос.

Бу ердан икки хил шифобахш маъдан сув чиқади. Қарийб 500-800 метр ер қаридан олинаётган сув таркиби, кимёвий моддаларга бойлиги, ҳарорати 60 даражада эканлиги билан ажралиб туради. Минерал моддалар миқдори бир литр сувда 62 граммгача боради. Мўъжизакор шифобахш сув — ошқозон-ичак, ўт пуфаги, буйрак ҳамда асаб хасталиги билан оғриган беморлар дардига малҳам топишида катта самара бермоқда.

— 1982 йилда санаторий қурилиб ишга туширилгач, — деди санаторий бош врачи Ғанижон Ширинов, —шифобахш олтингугуртли сувни Шўрсувдаги (Қирғизистон ССР) геологлар бурғулаш станциясидан олиб кела бошладик. 1984 йилдан 1986 йилгача маъдан сув манбасини топиш мақсадида ҳудудимизда қидириш ишлари олиб борилди. Кутилганидек, таркибида калий, магний, бром, азот каби кимёвий элементларга бой иккита сув манбаи топилди. Унинг таркиби ҳамда шифобахшлик хусусиятларини текширган москвалик олимлар ошқозон-ичак, ўт пуфаги, буйрак ва асаб касалликларини даволашда қўл келишини аниқлашди.

Санаторий 100 беморни қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерга келган колхозчилар, ишчи-хизматчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари саломатликларини тиклаб, мароқли ҳордиқ олиб қайтмоқдалар. Шифо масканида даволанувчи ана шундай кишиларни суҳбатга тортдик.

— Санаторий қир-адирлар, боғу-бўстон орасида қурилганини, тоза ҳавоси-ю, даволашдаги табиийлик, замонавий ускуналар билан жиҳозланганини эшитиб, дам олишни орзу қилган эдим, — деди Тошкент вилоятидан келган Машҳура Ғуломова. — Суви жуда ёқди. Танамдаги шишлар қайтди.

— Мен Яккабоғ районидан келганман, — деб суҳбатга қўшилди Муаффар Очилов. — 1989 йилда ўт пуфагимни операция қилдирган эдим. Тиғ теккан ердаги асорат қийнаб келарди. Йўлланма билан Украинанинг «Трускавец» санаторийсига бордим. Лекин у ерда наф кўрмадим. Сўнгра «Искра»нинг таърифини эшитиб, ўтган йили бу ерда даволаниб кетдим. Бу йил ҳам санаторийга дам олгани келганман.

Санаторий тиббиёт ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишяпти. Терапевт-врач Мансурхон Абдуллаев, тиш шифокори Толибжон Бойматов, ҳамширалар Тожихон Ўринбоева, Турсуной Қодироваларнинг тиббий хизматидан дам олувчилар хурсанд. Санаторийда беморларнинг сабзавот, мева, полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи шифохонанинг ёрдамчи хўжалиги ҳисобига қондирилмоқда.

Ўн гектардан зиёд яшил зонанинг тўрт гектари узумзор, икки гектари мевазор, уч гектари полиз маҳсулотлари етиштириладиган майдонларга ажратилган. Бу гўшада кўплаб қайрағоч, мажнунтол, чинор ҳамда нинабаргли дарахтлар ўсмоқда. Настарингул, чиннигул, атиргул, картошкагул, қўқонгул каби анвойи гуллар баҳри дилингизни очади. Ўтган 1989-1990 йилларда йигирма тонна узум териб олинди. Полиз маҳсулотларидан келган даромад ўн минг сўмдан ортди. Шарқ услубида қурилган «Боғу-бўстон» чойхонаси ишлаб турибди. Шифохона жамоасининг фикрича, бу ерда 250 ўринли меҳмонхона қуришни тезлатиш ниҳоятда зарур. Зотан, дардига шифо излаб қўшни жумҳуриятлар ҳамда вилоятларимиздан келаётган беморларнинг кўпчилиги ўрин етишмаётганлигидан афсусланмоқда. 1989 йилда фойдаланишга топширилиши керак бўлган мазкур меҳмонхона лойиҳа-смета ҳужжатлари эса Тошкентдаги колхозлараро қурилиш-лойиҳалаш институтида ҳалигача ниҳоясига етказилгани йўқ.

**З. ҲАЙДАРОВ.**

**Суратларда: 1. Шифокор Мансурхон Абдуллаев беморни даволамоқда. 2. «Боғу-бўстон» чойхонаси дам олувчиларга ҳамиша фароғат бағишлайди.**

**Муаллиф олган суратлар.**

## «ДИҚҚАТ, СУРАТГА ОЛАМИЗ»

**Бу сўзни ҳозирги кунда жуда кўп суратга олиш майдончаларида эшитиш мумкин. Жумҳуриятимизнинг барча киностудияларида янги фильмлар экранлаштирилмоқда.**

**Масалан, ёш режиссёрлар Рашид Маликов ва Марат Раҳматов куни-ноча «Ярим тунги блюз» фильмининг охирги кадрларини суратга олиб бўлишди.**

**Е. Раҳмонов сценарийси асосида экранлаштирилган мазкур картина қаҳрамони Жавод деган киши бўлиб, у озми-кўпми тобора аср касалига айланиб бораётган мафия билан алоқадор эди. Ана шу йигит баъзи одамлар томонидан Тошкентдан бошқа шаҳардаги бир гувоҳни бадном қилиш учун юборилади. Жавод айтилган жойга бориб ўша гувоҳни топади. Бироқ не кўз билан кўрсинки, у йўқотиш учун келган киши эркак эмас, балки, кўриниши ҳам, гап-сўзи ҳам маънили бўлган бир жувон эди. Фильм ана шундай кутилмаган воқеа билан бошланади...**

**Фильмдаги асосий ролларни Шуҳрат Эргашев, Рустам Саъдуллаев, Светлана Копилова, Матёқуб Матжонов каби актёр-актрисалар ижро этишган. Картинага тожикистонлик бастакор Аҳмад Ваҳоев мусиқа ёзган. Рассом Қаҳрамон Нуриддинов фильм руҳига мос безаклар ишлади.**

**Еш режиссёр Даврон Абдуллаев раҳбарлигида экранлаштирилаётган тўла метражли бадиий фильм «Қамоқхона ва Ўлим» деб аталади. Бу кинолента Музроб Боймуҳамедов ва Даврон Абдуллаев ҳамкорлигида ёзилган сценарий асосида яратилмоқда.**

**Картина воқеалари етмишинчи йилларнинг охири ва сансонинчи йилларнинг бошида содир бўлади. Фильмда асосан инсон тақдири, унинг кутилмаган ғайритабиий ҳодисалар натижасида ўзгариб кетиши ҳақида фикр юритилади. Разил кишиларнинг ўз мақсадларига етишиш учун ҳар қандай жиноятдан қайтмаслиги, раҳм-шафқат, инсонийлик деган туйғулар уларга тамоман ётлиги, буларни ҳис этмаслиги ҳам картинада ўзига хос талқинда акс эттирилипти.**

**Қўқон, Фарғона, Тошкентда ва Туринияда суратга олинаётган мазкур кинофильмдаги ролларни ижро этувчилар орасида Наби Раҳимов, Пўлат Саидқосимов, Ҳожиқанбар Нурматов каби таниқли артистлар бор.**

**Р. БЕРДИЕВ.**

**Муҳарририят Х. Шомуротова, Е. Олимова, У Рўзиев, М. Тошев, Э. Исроилов, М. Сотволдиева, Н. Мирсоатова, Ғ. Турдалиев, М. Юсупов ва бошқалардан ҳам маданият мавзусида хабарлар ва мақолалар олди.**

## ҒАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ

**ЖАРҚЎРҒОН («Совет Ўзбекистони» мухбиридан).** Галлазор оч қирмизи рангга кирди. Деҳқон комбайнини далага олиб чиқди. Қишлоқ оқсоқоллари: «Хирмон баракали бўлсин» деб юзларига оқ фотиҳа тортишди. Комбайннинг қайишли ва занжирли узатгич механизмлари ҳаракатга келди. Ўрим бошланди!

Ҳа, «Социализм» жамоа хўжалигининг комбайнчилари Бобомурод Худойназаров, Норбўта Сийлаевлар Ҳурам Абдурасулов бошлиқ звено даласида арпа ўримига киришдилар. Бу йил хўжалик 167 гектар суғориладиган ерда бошоқли дон ўстирди. Тўрт комбайн ўримга шай. Бу ишни тез кунда ниҳоясига етказиш ва гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтариш режаси белгиланган.

Комбайнларда айрим эҳтиёт қисмлар етишмай турганини айтмаса, Сурхондарёда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ёмон бўлмади. Бу йил ғаллазорлар бултургидан 10 минг гектарга кенгайтирилган. 29,5 минг суғориладиган гектарлардаги ҳосилдорликни ҳам олдинги йилдагидан беш центнерга ошириш ниятлари бор.

— Бу йил ҳар икки хўжаликнинг бирида тегирмонлар қурилди, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси бўлимининг бошлиғи Н. Борисович. — Демак, эҳтиёжига керак бўладиган уннинг бир қисми қишлоқларнинг ўзида ишлаб чиқарилади.

**О. УСАНОВ.**

• ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

## КОНИ ФОЙДА

Май ойи бошидан Тошкент шаҳри бозорларида, матлубот жамиятлари дўконларида катталиги муштдек-муштдек пиёз сотила бошланди. Нархи бироз қиммат бўлса-да одамлар уни суюниб харид қиляптилар. Чунки давлат омборларидаги эски пиёзлар тамом бўлган, борларининг ҳам сифати пасайиб кетган, айрим тадбиркорлар асраган пиёзнинг бир килоси эса 3—4 сўмдан сотилаётган эди.

Аниқланишича, янги пиёзлар Сурхондарё областининг Денов районидан келтирилган экан. «Пешпазак» навли бу пиёз серҳосил, энг асосийси жуда эрта етиларди. Райондаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви ранси Очилди Бобомуродовнинг хабар беришича, эртаки пиёзни сентябрь—октябрь ойларида экиб, ҳосилини май ойининг бошида йиғиштириб олиш мумкин.

Агар ишлови ўрнига қўйилса, ҳар гектар ердан 30—35 тоннадан ҳосил кўтарса бўлади. Тайёрлов ташкилотлари эртаки пиёз ҳосилини даланинг ўзидан 1 сўм 60 тийиндан харид қилиб олишди.

Ҳа, омилкорликда гап кўп. Биргина Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил 16 гектар ерда пиёз етиштирдилар. Шунинг 3 гектари уруғлик учун қолдирилган. Ҳозир сўнгги майдонлардаги ҳосил йиғиштириб олиняпти.

**К. РИХСИЕВ.**

## СПОРТ

БОКС:

**СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР**

● ТОЖИКИСТОН пойтахтида чарм қўлқоп усталарининг жумҳурият очиқ чемпионати ўтказилди. Мусобақада ринг эгалари қатори Красноярск, Толдиқўрғон, Чимкент ва тошкентлик спортчилар ҳам ўзаро баҳслашдилар. Ўзбекистонлик боксчилар муваффақиятли куч синашишга ҳаракат қилишди. Жумладан, тошкентликлардан Михаил Саркисов 75 килограмм вазнли боксчилар билан мусобақада иккинчи ўринни эгаллашига қарамай, спорт устаси талабини бажарди. Бухоролик Мурод Ражабов ҳам спорт устаси бўлди. Тошкентлик Қаҳрамон Пўлатов, Элдор Назаров ва Сайдулла Хўжамбердиевлар совринли учинчи ўринни эгалладилар.

ФУТБОЛ:

**САФАР ОЛДИДАН**

● БИРИНЧИ ЛИГА жамоалари орасида дастлабки мавсумни ўтказаётган фарғоналик футболчилар ўнгланиб мавқеларини мустаҳкамлашга уринмоқдалар. «Навбаҳор» ва «Нефтяник» жамоалари ўз майдонларида ўтказган ўйинларда қимматли очколар тўплаб, муҳлисларни қувонтиришди. Энди ҳар икки жамоа навбатдаги учрашувларни сафарда ўтказади. Жумладан, 27 май куни «Зенит» — «Навбаҳор», «Пардаугава» — «Нефтяник», 30 май куни «Зенит» — «Нефтяник» ва «Пардаугава» — «Навбаҳор» учрашувлари бўлади.

**ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ**

| | Ю | Д | М | Т | О |
|---|---|---|---|---|---|
| Тилигул | 5 | 4 | 0 | 13-6 | 14 |
| Текстильщик | 6 | 1 | 3 | 16-10 | 13 |
| Ротор | 5 | 3 | 1 | 16-9 | 13 |
| Буковина | 5 | 3 | 2 | 11-5 | 13 |
| Навбаҳор | 5 | 3 | 1 | 8-2 | 13 |
| Ростсельмаш | 4 | 3 | 2 | 11-5 | 11 |
| Уралмаш | 5 | 0 | 5 | 13-8 | 10 |
| Локомотив | 4 | 2 | 3 | 8-8 | 10 |
| Таврия | 4 | 2 | 3 | 13-17 | 10 |
| Динамо Сх | 2 | 6 | 2 | 4-3 | 10 |
| Нефтяник | 4 | 1 | 4 | 9-9 | 9 |
| Динамо Ст | 3 | 3 | 4 | 9-9 | 9 |
| Қайрат | 3 | 3 | 3 | 6-6 | 9 |
| Геолог | 3 | 3 | 4 | 9-11 | 9 |
| Факел | 3 | 3 | 4 | 5-9 | 9 |
| Зенит | 2 | 5 | 3 | 7-7 | 9 |
| Нефтчи | 3 | 2 | 5 | 6-9 | 8 |
| Шинник | 3 | 2 | 4 | 9-14 | 8 |
| Котайк | 3 | 2 | 5 | 6-12 | 8 |
| Зинбрул | 1 | 6 | 3 | 8-10 | 8 |
| Пардаугава | 1 | 2 | 7 | 4-14 | 4 |
| Кубань | 0 | 3 | 6 | 4-12 | 3 |

Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1991—1992 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ТЕХНИКУМ ҚУЙИДАГИ ЙХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:**

**Техник-механиклар:** «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати жиҳозларини ишлатиш ва таъмир этиш».

**Техник-электриклар:** «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати электр ускуналарини ишлатиш».

**Ҳисобчи** (бухгалтер)**лар:** «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарининг хўжалик фаолиятини ҳисобот таҳлил ва назорат қилиш».

**Техник-технологлар:** «Донни қайта ишлаш ва сақлаш технологияси», «Нон пишириш ва макарон маҳсулотларини тайёрлаш».

**ЎҚИШ МУДДАТИ:** ўрта умумтаълим мактабларини битирганлар учун:

**Техник-механик:** ихтисосликнинг кундузги бўлимида — 2 йилу 10 ой.

**Сиртқи бўлимда — 3 йилу 10 ой.**

**Техник-электрик:** Кундузги бўлимида — 2 йилу 7 ой.

**Сиртқи бўлимда** — 2 йилу 10 ой.

**Техник-технологлар:** кундузги бўлимда — 2 йилу 6 ой.

**Сиртқи бўлимда** — 2 йилу 9 ой.

**Ҳисобчи** (бухгалтер)**лик:** кундузги бўлимда — 1 йилу 10 ой.

**Сиртқи бўлимда — 2 йилу 6 ой.**

**ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:** «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналарини ишлаш ва таъмир этиш», «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати электр ускуналарини ишлатиш», «Ғалла омбор (элеватор)лари корхоналари ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш ва назорат қилиш» ихтисослари бўйича.

**ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАНЛАР:**

**Математика** (оғзаки).

**Она тили ва адабиёти** (иншо).

Донни қайта ишлаш ва сақлаш технологияси ихтисослари бўйича: «Нон пишириш ва макарон маҳсулотларини тайёрлаш».

**Она тили ва адабиёти** (иншо).

**Қимё** (оғзаки).

**АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ:**

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:** ўрта мактаб ўқувчиларидан 1 июндан 1 августгача (қўшиб ҳисоблаганда).

**СИРТҚИ БЎЛИМГА: 10 августгача** (қўшиб ҳисоблаганда).

**ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА.**

**Техникумга киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, тиббий маълумотнома (086/У), 6 та сурат (3×4 см), меҳнат дафтарчасидан нусха (иш муддати борлиги учун).

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА КИРГАНЛАР ЕТОҚХОНА ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.**

Техникум манзилгоҳи: 700187, Тошкент шаҳри, «1-Қорасув» даҳаси, 1-Б уй. (21, 49, 63, 89-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

---

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

ТОШКЕНТ ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРЛИК ТЕХНИКУМИ

1991—1992 ўқув йили учун

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**ТЕХНИКУМ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАР УЧУН: бухгалтерия ҳисоби, назорат ва режалаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашни ташкил этиш ва товаршунослик ихтисослари бўйича мутахассисларни тайёрлайди.**

**Техникумнинг кундузги бўлимига 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.**

**Кундузги бўлимда ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой.**

Ўрта маълумотга эга бўлганлар она тили ва адабиётдан (диктант), математика (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган, Совет Армиясидан ҳарбий хизматни ўтаб келган ҳарбий қисм тавсиянномасига ёки ҳарбий комиссариатнинг имтиёзли ҳуқуқ гувоҳномасига эга бўлган шахслар танловсиз қабул қилинади.

**Кундузги бўлимга ариза ва ҳужжатлар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари 15 июндан 25 августгача ўтказилади.**

Техникумнинг сиртқи бўлимига 10-синф ҳажмидаги маълумотга эга, ёшидан қатъий назар мутахассислик бўйича ишловчи камида икки йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

**Сиртқи бўлимга ариза ва ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари 10 июндан 30 августгача бир неча даврада ўтказилади.**

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:** ариза, маълумоти ҳақида аттестат (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома (086/У намуна), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ягона форма бўйича расмийлаштирилган йўлланма, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Кундузги бўлим ўқувчилари ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум манзилгоҳи: 700209, Тошкент шаҳри, 3-Сирғали даҳаси, 49-уй (40, 58, 75, 98-автобуслар; 19-троллейбуснинг «3-Сирғали» бекати). Телефонлар: 57-26-98, 57-26-54.

---

## АҲОЛИНИНГ СССР ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАРИ БЎЙИЧА ҚОПЛАШ ПУЛИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

Аҳолининг СССР Давлат банки ва СССР Жамғармалар банкидаги омонатларда сақланаётган, шунингдек СССР Жамғармалар банкининг сертификатлари ва давлат қимматли қоғозлари турида сақланаётган маблағлари СССР Президентининг 1991 йилнинг 22 мартдаги «Чакана нархларнинг бир йўла оширилиши муносабати билан жамғармалар қадрсизланишидан кўриладиган зарарни аҳолига тўлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қайта баҳоланади.

Бундай тўловлар умумлаштирилган счётлардан ҳамда жамғарма банки томонидан берилган қарзлар ҳисобига очилган фоизсиз ҳисоб счётларидан ташқари барча турдаги мавжуд омонатлар бўйича уларнинг 1991 йил 1 мартгача ҳолатдаги қолдиғини 40 фоизга кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Омонатчи томонидан бир ҳисобдан бошқа ҳисобга ўз номига ўтказилган омонатлар, шунингдек, 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб улар бўйича даромад тўланаётган янгича шартлардаги муҳлатли омонатларга қайта расмийлаштирилган омонатлар, уларнинг қачон расмийлаштирилганлигидан қатъий назар, қайта баҳоланиши лозим.

**ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТЎЛОВЛАРИ:**

— 1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача бўлган муддат ичида муддатли ёки бошқа омонатлар бўйича бошқа ҳисобдан қайта расмийлаштириш йўли билан омонатчи томонидан ўз номига, шунингдек қариндошлари: эри, хотини, болалари, неваралари ёхуд меросхўрлари номига очилган омонатлар ёки 1991 йилнинг 1 мартигача муддатли омонатларда сақланиб келган жағармалардан маълум бир миқдорда пул олиш мақсадида бу ҳисобларни ёпиб, шу куннинг ўзида омонатнинг қолган қисмига бошқа янги омонат ҳисоблари очилган бўлса;

— аҳолининг Жамғарма банки муассасаларида сақланаётган 1982 йилда чиқарилган заём облигацияларининг қиймати ҳисобига 1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача бўлган даврда очилган омонатлар бўйича;

— ҳисоб чекларини олиш мақсадида 1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача бўлган даврда ёпилган омонатлар бўйича, агар бу ҳисоб чеклари фойдаланилмасдан 1991 йилнинг 1 июлигача айнан шу чеклар олинган жамғарма банкига топширилса;

— хазина мажбуриятлари ва сертификатларни сотиб олиш учун 1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача ёпилган омонатлар бўйича, агар бу қимматли қоғозлар сотиб олингандан кейин Жамғарма банкига сақлаш учун топширилган бўлса.

**ТЎЛАНАДИ**

1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача, яъни Фармон чиққан кунгача ёпилган омонатлар бўйича зарарни қоплаш тўловлари тўланмайди.

Бундай тўловларнинг 200 сўмгача бўлган қисми шу пулдан 1991 йилнинг 1 июлидан кейин фойдаланиш шарти билан омонат қолдиғига қўшилади.

Омонатларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган қиймат нинг 200 сўмдан ортиқ қисми омонатчиларнинг бу пуллардан уч йил ўтгандан кейингина фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш шарти билан махсус ҳисобларга ёзиб қўйилади. Махсус ҳисоблардаги маблағлар бўйича 1991 йил 1 мартидан кейинги давр учун йилига амалдаги мавжуд 7 фоиз миқдорида даромад тўланади.

200 сўмгача миқдордаги қайта баҳолаш қиймати омонатчи 1991 йил 1 июлидан кейин жамғарма банки муассасасига келган пайтда унинг омонат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Шу муддатдан бошлаб омонатлари бўйича қайта баҳолаш қиймати 200 сўмдан ошиб кетган омонатчиларга, аввал очилган махсус ҳисоблар бўйича омонат дафтарчалари берилади.

Кўрсатилган махсус ҳисобларнинг эгаларига уч йиллик муҳлат ўтгунга қадар қимматбаҳо буюмлар, енгил автомобиллар, мебель гарнитурлари ва қиймати 5 минг сўмдан ортиқ бўлган маданий-маиший молларни харид қилиш, турар жойларни шахсий мулк сифатида сотиб олиш, шунингдек, уй-жой-қурилиш кооперативларига дастлабки пай пулини тўлаш ва уйлар ҳамда боғ-ҳовлиларини қуриш учун олинган қарзларни тўлаш каби айрим ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ана шу ҳисоблардан пул ўтказиш имконияти яратиб берилади.

Қийматларни ўтказиш операциялари ҳар бир айрим ҳолда СССР Жамғармалар банки бўлинмаси бошқарувчисининг ижозати билан амалга оширилади. Уч йил ўтгунга қадар уй-жой ва қимматбаҳо моллар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ўтказилган қиймат юзасидан йилига 2 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Меросхўрлик омонатлари меросхўрларга бу омонатлар қайта баҳолангандан сўнг берилади. 200 сўмдан ортиқ зарарни қоплаш тўловлари қиймати меросхўрлар номига махсус ҳисобга ёзиб қўйилади ва белгиланган тартибда тўланади.

Меҳнаткашларнинг корхоналар ва ташкилотлар томонидан 1991 йилнинг февраль ойида банкка ўтказилган ва 1991 йилнинг 1 мартигача СССР Жамғармалар банкининг мухбирлик ҳисобига келиб тушган, бироқ 1991 йилнинг март ойида омонатлар бўйича ҳисобга ёзиб қўйилган пул даромадлари қийматлари омонатлар бўйича зарарни қоплаш тўловларини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинади.

Омонат ҳисобига ёзиб қўйиш учун 1991 йилнинг 1 мартигача ва март ойи давомида жўнатилган омонат жўнатмалари келиб тушганда, бу жўнатма қиймати омонатга қўшиб ёзиб қўйилади, кейин эса зарарни қоплаш тўловлари қиймати ҳисоблаб чиқарилади. Агар жўнатма келиб тушган ҳисоб бўйича аввал зарарни қоплаш тўлови ҳисоблаб чиқарилган бўлса, у ҳолда зарарни қоплаш тўлови фақат жўнатма қиймати бўйичагина ҳисоблаб чиқарилади ва аввал очилган ёки янги махсус ҳисобга ёзиб қўйилади.

Зарарни қоплаш тўловлари махсус ҳисобга ёзиб бўлинган омонат жўнатиладиган ҳолларда иккита жўнатма ҳужжати (улардан бири — омонат қийматига, иккинчиси эса янги махсус ҳисобга ёзиб қўйиш учун алоҳида зарарни қоплаш тўловининг қийматига) ёзиб берилади.

Болалар учун мақсадли омонатлар бўйича зарарни қоплаш тўловлари шахсий ҳисобдаги пулнинг 1991 йил 1 январидаги фоизларнинг умумий қолдиғини ҳисобга олган ҳолда 1991 йилнинг 1 мартидаги омонат қолдиғига қўшиб ҳисобланади.

Чек дафтарчаси берилган ҳисоб бўйича зарарни қоплаш тўлови омонатнинг 1991 йилнинг 1 мартидаги ҳақиқий қолдиғи бўйича, яъни келиб тушган тўланган чекларни ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади.

1991 йилнинг 1 мартигача омонатнинг таркибидан берилган ҳисоб чеки ёки аккредитив ундаги қийматни 1991 йилнинг 1 июлигача Жамғармалар банки муассасасига ана шу чек ёки аккредитив берилган омонатга ёзиб қўйиш учун тақдим этиладиган бўлса, бундай омонатлар бўйича зарарни қоплаш тўлови фойдаланилмаган ҳисоб-чеки ёки аккредитив қийматини ҳисобга олган ҳолда 1 мартдаги қолдиқ бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳарбий-қурилиш отрядларидаги ҳисоблар бўйича зарарни қоплаш тўловлари омонатларнинг 1991 йил 1 мартидаги аҳволи бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва тўлиғича мавжуд ҳисобга ёзиб қўйилади.

Махсус сўмлардаги ҳисобларга ёзиб қўйилган қийматлар — уларнинг эгасининг хоҳишига кўра 1991 йилнинг 1 июлигача бўлган даврда махсус сўмлардаги ҳисобдан талаб қилиб олингунча омонатларига қайта расмийлаштирилса, бундай қийматлар бўйича зарарни қоплаш тўлови тўланади. Бу ҳолда омонатга ёзиб қўйиладиган махсус сўмлардаги ҳисобда сақланаётган, 1991 йил 1 мартигача аҳволдаги қолдиқ қиймати тақдим этилган чек дафтарчаси бўйича аниқланади ва шу қийматга зарарни қоплаш тўлови қўшиб ҳисобланади. Агар 1991 йилнинг 1 мартидан кейин махсус сўмлардаги ҳисоблар бўйича чиқим операциялари бажарилган бўлса, омонат эгасининг мурожаат қилган кунидаги аҳвол бўйича махсус сўмлардаги ҳисобларда сақланаётган қолдиқ қиймати омонатга ёзиб қўйилади.

1991 йилнинг 1 мартидаги аҳволи бўйича мавжуд омонат 1991 йилнинг 26 мартидан 1 июлигача бўлган даври ёпилганда зарарни қоплаш тўлови белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ва тўлиқ қийматда 2-с намунадаги омонат дафтарчасини омонатчига бериш билан махсус ҳисобга ёзиб қўйилади.

**АҲОЛИНИНГ СССР ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ВА СЕРТИФИКАТЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ЖАМҒАРМАЛАРИ БЎЙИЧА**

**ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТЎЛОВИ ТЎҒРИСИДА**

Фуқароларда 1991 йилнинг 1 мартига қадар сотиб олинган Давлат хазина мажбуриятлари ва сертификатлари бўйича ҳақиқий қийматининг 40 фоизи миқдорида зарарни қоплаш тўловларини бериш улар қанча муддатга сотилган бўлса, шу муддат ўтиб бўлгандан кейин ёки 1994 йилнинг 1 мартидан кейин амалга оширилади. 1991 йилнинг 1 мартигача сотиб олинган сертификатлар ва хазина мажбуриятларини уларда сақланаётган пулларни олиш мақсадида 1994 йилнинг 1 мартигача топширилган ҳолларда, тўловлар қимматли қоғоз эгаларининг аризалари жамғарма банки бошқарувчиси кўриб чиққандан сўнг амалга оширилади. Бунда қимматли қоғознинг қиймати шу заҳоти берилади. Зарарни қоплаш тўлови қиймати эса махсус ҳисобга ёзиб қўйилади ва омонат дафтарчаси берилади.

1982 йилги Давлат ички ютуқли заёми облигацияларини сотиш ва сотиб олиш улар ҳақиқий қийматининг 40 фоизга оширилганлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мақсадли фоизсиз заёми облигацияларининг эгаларига компенсация бу заёмлар ҳақиқий қийматининг 40 фоизи ҳажмида 1993 йилда уларнинг эгаси буюм олишдан воз кечган тақдирда тўланади. Облигациялар кўрсатилган муддатдан олдин ҳақиқий қийматини олиш учун топширилган тақдирда зарарни қоплаш тўлови тўланмайди.

Автомобиль олиш учун сотиб олинган мақсадли фоизсиз заём облигациялар бўйича, 1993 йилда автомобиль олинаётган вақтда облигация эгасига унинг ҳақиқий қийматининг 40 фоизи ҳажмида зарарни қоплаш тўлови тўланади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ.**

---

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР-ЎСИМЛИКШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

КЕНГ ИХТИСОСЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ (кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати — 3 йил.**

АСАЛАРИЧИ — **ўқиш муддати 1 йил.**

ЧОРВА МОЛЛАРИГА ВЕТЕРИНАР ИШЛОВ БЕРИШ ОПЕРАТОРИ — **ўқиш муддати 1—3 йил.**

ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 19 августдан бошлаб биологиядан имтиҳон топширадилар ва касб йўналиши бўйича суҳбатдан ўтадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 9, 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3—3,5 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 2 йиллик фермер гуруҳларига Совет Армияси сафидан қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш практикаси Ватанимизнинг фермер хўжаликларида ва хорижий мамлакатларда ўтказилади.

**Ўқиш муддати иш стажига киради.**

Билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари ишлайди.

**Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:** туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат 3x4 см, 086/У формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ ВА ФАҚАТ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

**ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 8.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика қўрғончаси, М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати (21, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охирги 1-«Қорасув» даҳаси» бекати), телефон 64-31-34.

---

«ИЛДАМ» ЕШЛАР МАРКАЗИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**24—25 МАЙ СОАТ 19.00 ДА**

**ХУШОВОЗ ХОНАНДА**

КОМИЛЖОН БАРАТОВ иштирокида

## БАҲОР ЯНА ҚАЙТАДИ

## КАТТА КОНЦЕРТ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**«ҚИЗИҚЧИ-89» қўғирчоғининг ғолиби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори,**

Обиджон ҳамда Собиджон АСОМОВЛАР **шунингдек, Шомурод ПАРМОНОВ бошчилигидаги «НАВРУЗ»** дастаси

**ҳамда «КАМОЛОТ-89» қўғирчоғининг совриндори**

Илҳомжон ПАРМОНОВ

**Концерт дастурини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ олиб боради.**

**Режиссёр — Фарҳод АҲМЕДОВ.**

**Чипталар Тошкент давлат циркининг кассаларида соат 9.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.**

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

---

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**29, 30 МАЙ СОАТ 19.00 ДА**

## «САМАРҚАНД ЮЛДУЗЛАРИ ШУЪЛАСИ»

**Сафия САФТАРОВА**

**ИЖРОСИДА**

ЎЗБЕК, ТОЖИК, ЭРОН, АФҒОН, ОЗАРБАЙЖОН ҚУШИҚЛАРИ

«НОВБАҲОР» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ҲАМДА АЖОЙИБ РАҚС ВА СЎЗ УСТАЛАРИ СИЗГА ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ БАХШ ЭТАДИЛАР.

**Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади;**

**Чипталар сарой кассаларида соат 10.00 дан бошлаб сотилмоқда.**

**Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 45-92-13.**

---

**БИЛДИРИШ**

1991 йилнинг 8 июнь куни соат 14.00 да Тошкент фармацевтика олийгоҳининг мажлислар хонасида шу олийгоҳнинг 1971 йилги битирувчилари учрашуви бўлади.

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

---

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 97. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12